

ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

ШНҚ 1.04.04-20

ҚУРИЛИШДА БУЮМЛАР, УСКУНАЛАР ВА МАТЕРИАЛЛАРДАН ТАКРОРИЙ ФЙДАЛАНИШ

Повторное использование изделий, оборудования и материалов в строительстве

Reuse of products, equipment and materials in construction

КИРИШ

Мазкур меъёрий ҳужжат бино ва иншоотларни қуришда, жорий ва капитал таъмирлашда, қайта қуришда ва бузишда уларнинг қурилиш конструкцияларини бўлаклашда ва муҳандислик ускуналарини бузишда олинадиган буюмлар, ускуналар ва материаллардан такрорий фойдаланишнинг техникавий ва ташкилий тадбирлари тизимини ҳукумат томонидан энг сўнгги қабул қилинган тегишли қарор ва фармонлар билан мувофиқлаштирилди ҳамда замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда такомиллаштирилди.

1. ҚЎЛЛАНИЛИШ СОҲАСИ

Мазкур шаҳарсозлик меъёрлари ва қоидалари (кейинги ўринларда ШНҚ деб юритилади) бино ва иншоотларни қуриш, жорий ва капитал таъмирлашда, қайта қуришда ва бузишда уларнинг қурилиш конструкцияларини бўлаклашда ва муҳандислик ускуналарини бузишда олинадиган буюмлар, ускуналар ва материаллардан (кейинги ўринларда «материаллар ва буюмлар» деб юритилади) такрорий фойдаланишнинг техникавий ва ташкилий тадбирлари тизимини белгилаб беради.

Мазкур ШНҚ корхоналарнинг технологик ускуналаридан такрорий фойдаланишга жорий қилинмайди.

Мазкур ШНҚ мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунувидан қатъий назар, бинолар ва иншоотларни қуриш, фойдаланиш, лойиҳалаш, жорий ва капитал таъмирлаш, қайта қуриш ва бузишни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахсларга мўлжалланган.

2. НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАРГА ҲАВОЛАЛАР

Мазкур ШНҚда техник жиҳатдан тартибда солиш соҳасидаги қуйидаги меъёрий ҳужжатларга ҳаволалар қўлланилади:

ШНҚ 1.03.01 Корхоналар, бинолар ва иншоотларни капитал қуриш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини таркиби, ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва тасдиқлаш тартиби;

ШНҚ 1.03.03 Турар-жой ва жамоат бинолари ва иншоотларини капитал таъмирлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини мувофиқлаштириш ва тасдиқлаш таркиби, ишлаб чиқиш тартиби тўғрисидаги кўрсатма;

ШНҚ 3.01.01-03 Қурилишда ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

ҚМҚ 3.01.08-99 Турар-жой ва жамоат бинолари, иншоотларни капитал таъмирлашни ташкил этиш.

3. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

Мазкур ШНҚда қуйидаги атамалар тегишли таърифлар билан ишлатилади:

демонтаж – бино ёки иншоотларни конструкциялари, элементлари ёки тугунларини яхлитлигини бузмасдан, уларни кейинчалик фойдаланиш имконияти билан қисмларга ажратиш ёки қисмларга ажратиб бузиш;

капитал таъмирлаш – ШНҚ 1.03.03 бўйича амалга оширилади;

такрорий фойдаланиш – бинолар ва иншоотларни ёки уларнинг айрим қисмларини демонтаж қилиш натижасида конструкцияларни, буюмларни ва материалларни олдиндан техник экспертизадан ўтказилиб, зарурий юк кўтариш қобилияти аниқлангандан кейин, нуқсонлар йўқ бўлса қайта қўллаш;

демонтаж қилиш – бинолар ва иншоотлар ёки уларнинг элементларини бузиш, шунингдек демонтаж қилиш йўли билан йўқ қилиш;

бинолар ва иншоотларни қайта қуриш – ШНҚ 1.03.01 қоидалари бўйича амалга оширилади;

бузиш - бинолар ёки иншоотларни умуман бузиб ташлайдиган технологиялардан фойдаланган ҳолда тўлиқ демонтаж қилиш, уларнинг конструкцияларини такроран фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлмаган ёки имконсиз бўлган ҳолларда амалга оширилади;

утилизация – материалларни иккиламчи хом ашё сифатида янги технологик жараёнга жалб қилиш.

4. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

4.1. Бинолар ва иншоотларни капитал таъмирлашда, қайта қуришда ва бузишда, қурилиш конструкцияларини бўлаклашда, шунингдек муҳандислик тармоқларни бузишдан чиққан материаллар ва буюмлардан уларни қайта ишлаш ва тиклашдан сўнг қурилиш (таъмирлаш) объектларида фойдаланишни, аҳолига тарқатишни ёки иккиламчи ашё сифатида ишлатишни такрорий фойдаланиш дейиш лозим.

4.2. Қурилиш (таъмирлаш) объектларида материаллар ва буюмлардан такрорий фойдаланишнинг мақбуллиги биринчи навбатда бино ёки иншоотни техник ҳолатини кўриқдан ўтказилгандан кейингина бино ёки иншоотни демонтаж қилиш бўйича ишларни бажариш технологияси тўғрисида қарор қабул қилинади.

Қурилиш (таъмирлаш) объектларида материаллар ва буюмларни қайта фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги якуний қарор, қайта ишлашга яроқли материаллар

ишлаб чиқариш ҳажми ва уларнинг қиймати, таъмирлаш, тиклаш ва қайта тиклашнинг тегишли харажатлар техник-иқтисодий ҳисоблашлар асосида қабул қилинади.

5. ТАКРОРИЙ ФЙДАЛАНИШГА ЯРОҚЛИ БЎЛГАН МАТЕРИАЛЛАР ВА БУЮМЛАРНИНГ ЧИҚУВ ҲАЖМИНИ АНИҚЛАШ

5.1. Такрорий фойдаланишга мўлжалланган материаллар ва буюмлар ҳажми даставвал қурилиш конструкцияларини бузиш ва демонтаж қилиш жараёнида уларнинг амалдаги чиқуви асосида белгиланиб, лозим бўлганда ваколатли шахслар, шунингдек ташкилотлар вакиллари жалб қилинган ҳолда манфаатдор томонлар тузган далолатномаларда акс эттирилади.

5.2. Материаллар ва буюмларнинг чиқув ҳажми, қоида тариқасида, маълум бир объект ҳолатининг муҳандислик текширувлари ва техник экспертизаси маълумотлари асосида, ҳам қурилиш бошланишидан олдин, ҳам қурилиш ишлаб чиқариш жараёнида белгиланади.

Бино ва иншоотларни бузиш ва демонтаж қилиш пайтида чиқадиган материалларнинг умумий ҳажмини аниқлашда, қурилиш материаллари ва буюмларининг маълум бир объектда такрорий фойдаланилиши, бошқа объектларда такрорий фойдаланиш учун вақтинча сақлашга олиб кетилиши, сотилиши, иккиламчи хом ашё сифатида утилизация қилиниши, шунингдек, қурилиш чиқиндиларининг улуши эътиборга олинishi лозим.

5.3. Аниқлаштириш натижалари, объектни пудратчи ташкилотга ўтказиш, объектни қурилишга (таъмирлашга) тайёрлаш ҳамда қурилиш (таъмирлаш) ишларини бажариш жараёни босқичида лозим бўлса мутахассисларни ва ташкилотларни жалб қилиш орқали буюртмачи ва пудратчи томонларидан далолатнома асосида расмийлаштирилади.

5.4. Такрорий фойдаланиладиган материаллар ва буюмларнинг чиқувини таъминловчи ишларни бажариш технологияси ташкилий - технологик ҳужжатлар (ишларни бажариш лойиҳаси, технологик хариталар) таркиби асосида ишлаб чиқилиши лозим.

6. БУЮМЛАРНИ, УСКУНАЛАРНИ ВА МАТЕРИАЛЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ВА САҚЛАШ

6.1. Такрорий фойдаланиладиган материаллар ва буюмларнинг сақланиши, ишларнинг тайёрланиши ва бажарилиши қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

объектда муҳандислик изланишларни (техникавий текширишларни);

объектни пудрат ташкилотига тайёрлаш ва топширишни;

объектда ишларни бажаришни;

материаллар ва буюмларни ташиш ва сақлашни;

материаллар ва буюмларни яроқли ҳолга келтиришни.

6.2. Капитал таъмирланиши, қайта қурилиши ёки бузилиши мўлжалланган объектнинг, унинг конструктив элементларини, буюмларни, материалларни ва муҳандислик жиҳозлар тизимларининг материалларини ҳам биргаликда сақланиши,

объектни пудратчи қабул қилгунига қадар фойдаланувчи ташкилот томонидан таъминланиши лозим.

6.3. Конструкцияларни бўлаклардан ва ускуналарни ўрнидан кўчиришдан ҳосил бўлувчи материаллар ва буюмларнинг сақланиши, буюртмачи объектни пудратчига топширганидан сўнг уларни қуришда ёки таъмирлашда такрорий фойдаланиш муддати тугаллангунга қадар ёки буюртмачига қайтарилгунга қадар пудратчи томонидан таъминланиши лозим.

6.4. Ускуналарни кўчиришда ва конструкцияларни бўлаклардан биринчи навбатда кўчирилиши ҳамда объект қошидаги омборхонага такрорий фойдаланишга яроқли бўлган, ўрнатилган мебель унсурлари, паркетлар, эшик ва деразаларнинг табақалари, муҳандислик ускуналари тизимларининг назорат ўлчагич асбоблари (сув ўлчагичлар, газ ва электр ҳисоблагичлар, автоматик ёнғин сигнализациясининг даракчилари ва бошқалар) уй қўриқлагичлар, муҳандислик ускуналар тизимларининг унсурлари (газ ва электр плиталари, ўтин ва газ сув иситгичлари сақлагичлари ва узгичлари билан бирга, тақсимлагич шитлари, кабел қутилари, коммутаторлар ва бошқалар), меъморий-бадий ва тарихий қийматга эга бўлган безак ва сувоқ унсурлари, шунингдек сирланган темир-терсак буюмлар, рангли металллардан ясалган буюмлар, ёпқич ва ростлагич арматуралар объект қошидаги омборхонага топширилиши лозим.

6.5. Конструкцияларни бўлаклардан (демонтаж қилиш) ва муҳандислик ускуналарни кўчириш пудратчи (ишларни бажаришга хўжалик усулидан фойдаланилганда ишлатувчи) ташкилот томонидан ёки шу мақсадда жалб қилинган ихтисослашган ташкилотлар томонидан бажарилиши лозим.

Юк ва йўловчи лифтларни, қурилмалари ва кабеллари билан биргаликдаги телевизион антенналарни, шунингдек ёруғлик рекламаларини кўчириш ишлари ихтисослашган ташкилотлар томонидан бажарилиши лозим.

6.6. Архитектуравий-бадий қийматга эга бўлган бинолардаги конструкцияларни бўлаклардан (демонтаж қилиш)да, безак унсурларни кўчиришда буюртмачи билан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ёки унинг ҳудудий бўлинмалари ўртасидаги келишув асосида амалга оширилиши лозим.

6.7. Таъмирлаш-қуришда ёки аҳолига сотишда такрорий фойдаланишга яроқли бўлган материаллар ва буюмларнинг сақланиши, худди янги материалларни ва буюмларни сақлаш каби қоидаларга мос тарзда бажарилиши лозим.

6.8. Бузишдан олинган ҳамда объектда такрорий фойдаланиладиган материаллар ва буюмлар пудратчининг омборхона ва бухгалтерия ҳисобида, уларни яроқли ҳолга келтириш ҳаражатларини чиқариб ташлаган ҳолда янги материаллар баҳосида, корхоналар ва қурилиш ташкилотларида материалларни ҳисобга олиш бўйича мавжуд йўриқномалар ва низомларда белгиланган тартибда қайд қилиниши лозим.

6.9. Объектда фойдаланилмайдиган яроқли материаллар ва буюмлар пудратчи томонидан буюртмачига топширилиши ёки унинг розилиги билан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиши мумкин.

Мазкур ҳолатда материаллар ва буюмларни қайд қилиниши тегишлилиги бўйича пудратчи ва буюртмачи ташкилотлар томонидан юқорида кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

6.10. Материаллар ва буюмларни аҳолига сотиш, шунингдек қайта баҳолаш ва харидорга етказиб бериш шартнома (келишув) асосида амалга оширилади.

7. БУЮМЛАРНИ, УСКУНАЛАРНИ ВА МАТЕРИАЛЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ, УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

7.1. Лойиҳа – смета ҳужжатларига кўра объектда такрорий фойдаланиш кўзда тутилган материаллар ва буюмларни такрорий фойдаланишга яроқлилиги ҳамда янги қурилиш материаллари ва буюмларига техник муқобиллик шартлари, давлат стандартлари ва қоидалари талабларига мос ҳолга келтирилиши лозим.

Томонларнинг шартнома шартлари билан аниқланувчи мажбуриятларига мос тарзда материаллар ва буюмларни яроқли ҳолга келтириш ихтисослашган ишлаб чиқариш ташкилотларини ва корхоналарни жалб қилган ҳолда пудратчи ёки буюртмачи томонидан бажарилади.

7.2. Газ ва электр жиҳозлари, нозимхона, телефон, радио эшиттириш ва телевизион тармоқлари тизимларининг ускуналари ихтисослашган корхоналарда ёки устахоналарда тикланиши лозим.

Тикланиши талаб қилинмайдиган қурилмалар ва жиҳозларни амалдаги техник стандартларга мувофиқлаштириш учун текширишларни, тозалашларни ва ростлашларни шунингдек сертификатлаш ва муҳрлаш бўйича рухсатномага эга ихтисослашган корхоналар томонидан профилактик таъмирлашдан ўтказилиши лозим.

7.3. Конструкцияларни бўлаклаш (демонтаж қилиш)дан ва ускуналарни кўчиришдан бирламчи чиққан материаллар ва буюмларнинг тавсифномалари, уларни тиклаш ёки қайта ишлаш бўйича ишларнинг асосий турлари ҳамда улардан такрорий фойдаланиш мумкин бўлган соҳалар мазкур ШНҚнинг 1-илоvasи бўйича қабул қилинади.

7.4. Аҳолига сотиладиган материаллар ва буюмлар қайта тикланмайди, шунингдек улар такрор фойдаланилмайди.

7.5. Уй кўзиқоринлари ва кемирувчи кўнғизлар шикастлаган ҳамда махсус майдончаларда ёқилиши лозим бўлган ёғочдан, шунингдек мавжуд меъёрий ҳужжатларга кўра қурилишда фойдаланилиши тақиқланган ёки юқори радиофаолликка эга бўлган материаллар ва буюмлардан такрорий фойдаланиш мумкин эмас.

7.6. Юк кўтарувчи қурилиш конструкцияларида бўлаклаш(демонтаж) ишлари амалга оширилганда бўлаклаш(демонтаж)дан сўнг такрорий фойдаланиладиган қурилмалар ва материаллар учун тегишли хулоса чиқарилишидан олдин, улар қўшимча экспертизадан ўтказилиши лозим.

Хулосада конструкциялар ва материалларда йўл қўйилган нуқсонлар рўйхати, уларнинг таъмирлаш ёки тиклаш ишларидан кейинги сони, такрорий фойдаланиб бўлмайдиган конструкциялар ва материаллар фақат такрорий фойдаланиладиган нуқсонлиларга бўлиниб, ундан кейин рўйхати шакллантирилиши лозим.

**МАТЕРИАЛЛАР ВА БУЮМЛАРНИНГ ЧИҚУВИ, УЛАРНИ ТИКЛАШ БЎЙИЧА БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ҲАМДА
ТАКРОРИЙ ФОЙДАЛАНИШ МУМКИН БЎЛГАН СОҲАЛАРИ**

№	Бўлакланувчи конструкциялар, кўчирилувчи ускуналар, бўлаклар ва кўчириш бўйича иш турлари	Бўлаклар ва кўчиришдан бирламчи чиққан материаллар ва буюмлар, уларнинг тавсифномалари	Таъмирлаш – тиклаш ишлари турлари	Ҳосил қилинувчи материаллар, буюмлар ва ускуналар	Қўлланилиш соҳалари
1	2	3	4	5	6
1. Ёпма қопламалар ва фасадлар ёпмалари					
1.1	Пўлат варақлардан ёпма қоплама. Айрим қисмларни, расмларни ажратиш	Қайиштирилган варақлар, четки қирралари қайрилмаган ёпма пўлат манзаралар, варақли ёпма пўлатдан буюмлар (тарновлар, воронкалар, карнизлар, осмалар, ариқлар, шамоллатиш ва тутун йўллари ва б.) кляммерлар, илгаклар, таянчлар ва бошқалар	Суваш, қайишган участка-ларни алмаштириш майда нуқсонларни суваш, эски бўёқни ва зангни олиб ташлаш, фальцларни тўғрилаш, маҳкамлаш ёки кесиш, тур ўлчамлар бўйича бичиш, силлиқлаш	1. Пўлат ёпмалар 2. Металл чиқиндилар	1. Турар - жой биноларини ва иншоотларни таъмирлаш ва қайта қуришда, шунингдек, ёрдамчи, омборхона ва бошқа бир қаватли муваққат бинолар ва иншоотлар қуришда. 2. Қайта фойдаланиш
1.2	Тўлқинсимон асбест-цемент варақлардан ёпма қоплама	Бутун ва майдаланган асбест-цемент варақлар, асбест-цемент варақларнинг синиқлари	1. Тозалаш тўр-ўлчамлар бўйича бичиш 2.Керакли ўлчамларгача майдалаш, саралаш ва тозалаш	1. Асбест - цемент варақлар 2.Асбест-цемент шағал	1. Бевосита вазифасига кўра, асбест-цемент ёпмаларни таъмирлашга, ёрдамчи, омборхона ва бошқа бир қаватли муваққат бинолар ва иншоотларни қуришда том ёпиш 2.Паст тамғали бетонлар учун тўлдиргич

1	2	3	4	5	6
1.3	Тўсиқ металл панжара	Металл панжаранинг қайишган звенolari	Тузатиш, етишмайдиған қисмларни ўрнатиш, заифларини маҳкамлаш ва қайишган участкаларни алмаштириш, эски бўёқ ва зангни олиб ташлаш, турўлчамлар бўйича бичиш, силлиқлаш	1. Металл панжара звеноси 2. Металл чиқиндилар	1. Бевосита хизматига кўра парапетлар, балконлар ва лоджияларнинг, зина ёнларини ясашда, биноларни таъмирлашда қайта қуришда хуудларни ободонлаштиришда деворлар, манзарадор тўсиқлар ясашда. 2.Қайта фойдаланиш
1.4	Сув оқизиш қувурлари	Қувурларнинг қайишган қисмлари	Қайишган қисмларни тузатиш, майда нуқ-сонларни тузатиш, тозалаш.	1. Сув оқизиш қувурлари қисми 2. Металл чиқиндилар	1. Бевосита вазифасига кўра 2. Қайта фойдаланиш
1.5	Проф тўшамадан ёпма қоплама	Қайишган, занглаган варақлар	Тузатиш: майда нуқ-сонларни текислаш, зангни йўқотиш, тур-ўлчамлар бўйича бичиш, лозим бўлганда суваш	1. Проф тўшама варақлари 2.Металл чиқиндилар	1.Бевосита вазифасига кўра, томни таъмирлашда муваққат иншоотлар қопламаси 2. Қайта фойдаланиш
2. Томларнинг кўтариш унсurlари					
2.1	Нишоб ёки осма ёғоч тўсинлар ҳолида айрим унсurlарни чиқариб олиш орқали бузилувчи тўсин тизим	Михли ва бошқа маҳкамлаш қисмли тўсин тизим унсurlари (тўсин оёқлари, устунлар, тиргаклар, харилар ва б.)	1.Михларни ва бошқа маҳкамлаш қисмларини, суғуриб чиқариш нуқсонли участкаларни йўқотиш, тозалаш, ўлчамлари бўйича саралаш, зарарсизлантириш 2.Михларни ва бошқа маҳкамлаш қисмларини чиқариб олиш нуқсонли участкаларни йўқотиш, тозалаш, механик станокларда майдалаш	1. Хари ёки тўсинлар 2.Технологик пайраха, кириндилар	1.Бевосита вазифаларига кўра, турар-жой уйлар, бинолар ва иншоотларнинг томларини, тўшамаларини таъмирлаш учун, узун ва майда дона унсurlарни, синчлар ва шчит конструкцияларни, ўрнатилган мебелларни, опалубкаларни, шунингдек ёрдамчи, омборхона ва бошқа бир қаватли муваққат бинолар ва иншоотларни қуришда 2. Арболит, фибролит, кипикбетон, ёғоч-пайраха тахталар ва б. тайёрлаш

1	2	3	4	5	6
2.2	Йиғма темирбетон тўсинлар, айрим унсурларини эркин чиқариб олиш билан тарқатиладиган қоп-лама тахталар	Тўсинларнинг темирбетон унсурлари, қоплаш тахталари	1. Сиртларни тозалаш, шикастларни суваш, ўрнатма қисмларни тиклаш, йиғиш мосламаларини ўрнатиш ва ҳ.к. 2. Майдалаш, ўзакни ва ўрнатма қисмларни чиқариб олиш, бетонни ювиш ва уни фракцияларга саралаш	1. Томнинг йиғма темирбетон кўтариш унсурлари (тўсинлар, ёпиш плиталари ва ҳ.к.) 2. Бетон шағал ва турлича фракцияли қум 3. Металл чиқиндилар	1. Бевосита хизматига кўра ёрдамчи бинолар ва иншоотларни таъмирлаш ва қайта қуришда, муваққат бинолар ва иншоотлар қуришда. Йўл қопламалари қуришда. 2. Бетон учун тўлдиргичлар. Бетон ва асфальт тўшамаларга тайёрлаш 1 Қайта фойдаланиш
2.3	Синдиргич болғалари ёрдамида бузилувчи қуйма яхлит темир-бетон конструкциялар	Бетон синиқлари, қайишган ўзак	Бетонни майдалаш, ўзак ва ўрнатма қисмларни чиқариб олиш, бетонни ювиш ва фракциялар бўйича саралаш	1. Бетон шағал ва турлича фракциялардаги қум 2. Металл чиқиндилар	1. Бетон учун тўлдиргичлар. Асфальт ва бетон тўшамаларга тайёрлаш 2. Қайта ишлатиш
3. Ёпмалар					
3.1	Ёғоч тўсинлар устига уланувсиз қўйилувчи, айрим унсурларни чиқа-риб олиш орқали осон бузиладиган ёпмалар	Бўлакланувчи тўсин харилар (чоракли танланувчи ходалар), михли тахталар	1. Қ.б. 6, гуруҳ 4 ваз.1 2. Ўшанинг ўзи 3. Қ.б. 6, гуруҳ 4 ваз.2	1. Харилар (ходалар) 2. Тахталар 3. Технологик пайраха, қиринди, қипик	1. Қ.б. 6, гуруҳ 6, ваз.1 2. Ўшанинг ўзи 3. Қ.б. 6, гуруҳ 6, ваз.2
3.2	Ўшанинг ўзи, тагига шчитлар қўйилади	Бўлакланувчи тўсин харилар (чораги танланувчи ходалар), михли шиплар ва бошқа маҳкамлаш қисмлари	1. Қ.б. 6, гуруҳ 4, ваз.1 2. Ўшанинг ўзи 3. Қ.б. 6, гуруҳ 4, ваз.2	1. Харилар (ходалар) 2. Таглик шитлар 3. Технологик пайраха, қиринди, қипик	1. Қ.б. 6, гуруҳ 6, ваз.1 2. Ўшанинг ўзи 3. Қ.б. 6, гуруҳ 6, ваз.2
3.3	Ўшанинг ўзи, тахта четида таглик қўйилган	Бўлакланувчи тўсин харилар (чораги танланувчи, михли чет тахта)	1. Қ.б. 6, гуруҳ 4, ваз.1 2. Ўшанинг ўзи 3. Қ.б. 6, гуруҳ 4, ваз.2	1. Хари (хода) 2. Чет тахта 3. Технологик пайраха, қиринди, қипик	1. Қ.б. 6, гуруҳ 6, ваз.1 2. Ўшанинг ўзи 3. Қ.б. 6, гуруҳ 6, ваз.2
3.4	Чордоқ ёпманинг ёйма тўшамаси	Михли тўшама унсурлари	1. Қ.б. 6, гуруҳ 4, ваз.1 2. Қ.б. 6, гуруҳ 4, ваз.2	1. Тахталар 2. Технологик пайраха, қиринди, қипик	1. Қ.б. 6, гуруҳ 6, ваз.1 2. Қ.б. 6, гуруҳ 4, ваз.2 3. Ўтин

1	2	3	4	5	6
3.5	Тахтали сувалмаган шип тикмаси	Михли ёрилган тахталар	Ўшанинг ўзи	Ўшанинг ўзи	Ўшанинг ўзи
3.6	Ўшанинг ўзи, сувалган	Михли ва сувоқ қолдиқли ёрилган тахталар	Ўшанинг ўзи	Ўшанинг ўзи	Ўшанинг ўзи
3.7	Айрим унсурларни олиб ташлаш билан эркин бузиладиган, ёғоч хариларга тикувсиз қўйилувчи қаватлараро ёпма	Қ.б. 8, гуруҳ 3	1. Қ.б. 5, гуруҳ 4, ваз.1 2. Ўшанинг ўзи 3. Қ.б. 5, гуруҳ 4, ваз.2	1. Харилар (ходалар) 2. Тахталар 3.Технологик пайраха, қиринди, қипик	1. Қ.б. 6, гуруҳ 6, ваз.1 2. Ўшанинг ўзи 3. Қ.б. 6, гуруҳ 6, ваз.2 4.Ўтинлар
3.8	Ўшанинг ўзи, шит тагликли	Қ.б. 9, гуруҳ 3	1. Қ.б. 5, гуруҳ 4, ваз.1 2. Ўшанинг ўзи 3. Қ.б. 5, гуруҳ 4, ваз.2	1.Харилар (ходалар) 2.Таглик шитлар 3.Технологик пайраха, қиринди, қипик	1. Қ.б. 6, гуруҳ 6, ваз.1 2. Ўшанинг ўзи 3. Қ.б. 6, гуруҳ 6, ваз.2 4.Ўтин
3.9	Ўшанинг ўзи, тахта четида таглик	Қ.б.10, гуруҳ 3	1.Қ.б. 5, гуруҳ 4, ваз.1 2. Ўшанинг ўзи 3. Қ.б. 5, гуруҳ 4, ваз.2	1.Харилар (ходалар) 2. Тахта чети 3.Технологик пайраха, қиринди, қипик	1.Қ.б. 6, гуруҳ 6, ваз.1 2. Ўшанинг ўзи 3. Қ.б. 6, гуруҳ 6, ваз.2 4.Ўтин
3.10	Тошқол, кум, керамзит тўкма ва б.	Қурилиш чиқиндилари тўкма материали	Чиқиндидан тозалаш, ювиш таркибларга саралаш, қуритиш	Тўкма материаллар	1. Бевосита вазифаси бўйича 2. Қ.б. 2, гуруҳ 6, ваз.2
3.11	Унсурларни эркин чиқариш билан тарқатилувчи йиғма темирбетон ораёпмалар	Темирбетон панеллар, тахталар, тўсинлар, кистирмалар ва б.	1. Қ.б. 7, гуруҳ 4, ваз. 1 2. Қ.б. 7, гуруҳ 4, ваз.2	1.Ораёпманинг йиғма темирбетон кўтарувчи унсурлари 2. Бетон шағал ва турлича фракцияли кум 3.Металл чиқиндилар	1. Қ.б. 7, гуруҳ 6, ваз.1 2. Бетон учун тўлдиргичлар 3.Қайта ишлатиш
3.12	Синдиргич болғалари ёрдамида ажратилувчи яхлит темир бетон ораёпмалар	Бетон кукуни, қайишган ўзаклар	Қ.б. 7, гуруҳ 4	1. Бетон шағал ва турлича таркибли кум 2. Металл чиқиндилар	1. Бетон учун тўлдиргичлар шағал тайёрлагичлар 2. Қайта фойдаланиш

1	2	3	4	5	6
3.13	Унсурларни эркин олиб ташланадиган бўлакланувчи металл харила ва ораликлар	Прокат пўлат унсурлари (қўштаврили, таврли швеллер, бурчаклилар), прака ва варақ пўлатдан пайвандланган ва парчинланган конструкциялар	Қайишган қисмларни тузатиш, эски бўёқ ва зангдан тозалаш, майда нуксонларни тузатиш, тур ўлчамлар бўйича кесиш, текислаш, коррозияга қарши таркиб билан қоплаш	1.Прокат шакллардан харила, таркибий кесимли харила, прокатдан узун буюмлар 2. Металл чиқиндилар	1.Бевосита вазифасига кўра турар-жой уйлари, бинолар ва иншоотларни таъмирлаш ва қайта қуришда ораёпмалар, зиналар, деворларни, устунларни кучайтириш қисмлари яшаш учун 2. Қайтадан фойдаланиш
3.14	Синдиргич болғалари ёки қулатиш усули билан бўлакланувчи қаватларора ёпмалар-нинг ғишдан ясалган пештоқлари	Ғишт синиқлари	1.Механикалаштирилган майдалаш, ювиш ва фракциялар бўйича саралаш 2.Зарраларининг максимал йириклиги 0,15 мм гача синиқларни толқонлаш	1. Шағал ва турлича фракцияли кум 2. Цемент кукуни	1.Паст тамғали бетонлар учун тўлдиргичлар, асфальт ва бетон қоплашга тайёрлаш 2. Цементга гидравлик фаол қўшимча: манзарадор қоплама
3.15	Ўшанинг ўзи, бетондан ясалган	Бетон майдаси	Механикалаштирилган янчиш ювиш фракциялаш бўйича саралаш	Бетон шағал ва турлича фракцияли кум	Бетон учун тўлдиргичлар
4. Тўшамалар					
4.1	Донали тахтачалардан паркет тўшамалар	Бутун ва михли ёрилган тахтачалар, елим, қоришма, мум (лок) қолдиқли	Михларни суғуриб олиш, тозалаш, турўлчамлари ва ранги бўйича саралаш	Донадор паркет	Бевосита вазифасига кўра, турар-жойлар, бинолар ва иншоотларнинг тўшамаларини яшаш учун. Шчит паркетни тайёрлаш ва таъмирлаш учун
4.2	Панжара тахтали шчит паркет тўшамалар	Бутун ва ёрилган тахталар, михли, етишмайдиған клеткали ва айрим синиқ брусокли, елим, қоришма, мум юзага (лок) эга бўлган асослар	1.Михларни чиқариб олиш, тозалаш, етишмайдиған клеткаларни ўрнатиш, асоснинг синган брусокларини маҳкамлаш ёки алмаштириш 2. Михларни суғуриб олиш, тозалаш, механик станокларда майдалаш	1. Шчит паркет, тахталар. 2.Технологик пайрахалар, кириндилар, кипиқлар	1.Бевосита вазифасига кўра турар-жойлар, бинолар ва иншоотлар. 2. Арболит, фибралит, кипиқ бетон, ёғоч-пайраха тахталар тайёрлаш ва хоказо

1	2	3	4	5	6
4.3	Тахта тўшамалар	Бўялган яхлит ва ёрилган михли тўшама тахталар	<p>1. Михларни суғуриб олиш нуқсонли участкаларни олиб ташлаш, тозалаш, ўлчамлар бўйича саралаш, зарарсизлантириш</p> <p>2. Михларни, маҳкамлаш қисмларини суғуриб олиш, нуқсонли участкаларни олиб ташлаш, тозалаш, механик станокларда майдалаш</p> <p>3. Қ.б. 25, гуруҳ 4, ваз.2</p>	<p>1. Тахталар</p> <p>2.Технологик пайраха, қириндилар</p> <p>3. Қ.б.25, гуруҳ 5, ваз.2</p>	<p>1.Бевосита вазифасига кўра, тўшамалар ёпмаларини ҳамда бинолар ва иншоотлар томларини таъмирлашда ҳамда узун ва майда донадор унсурларни, синч ва шчит конструкцияларни, қўшма унсурларни тайёрлаш.</p> <p>2.Арболит, кипиқ бетон, ёғоч қиринди тахталар ва б. тайёрлаш. Мебеллар, қолиплар, шунингдек ёрдамчи омборхона ва бошқа бир қаватли муваққат бинолар ва иншоотлар</p> <p>3.Қ.б. 25, гуруҳ 6, ваз. 2</p>
4.4	Тахта ёки тўсиндан тўшама лагалари	Бутун ва ёрилган тахталар ҳамда михли ва бошқа маҳкамлаш қисмли брусок	<p>1. Қ.б.26, гуруҳ 4, ваз 1</p> <p>3. Қ.б.25, гуруҳ 4, ваз 2</p>	<p>1.Тахталар, брусоклар</p> <p>2. Қ.б.25, гуруҳ 5, ваз. 2</p>	<p>1. Қ.б.26, гуруҳ 6, ваз. 1</p> <p>2. Қ.б. 25, гуруҳ 6, ваз. 2</p>
4.5	Ёғоч плинтуслар	Бўялган бутун ва михли ёрилган плинтуслар	<p>1.Михларни суғуриб олиш, нуқсонли участкаларни олиб ташлаш, тозалаш, Ўлчамлар бўйича саралаш, зарарсизлантириш</p>	<p>1. Плинтус</p> <p>2. Қ.б. 25, ваз.2</p>	<p>1.Бевосита вазифасига кўра</p> <p>2. Қ.б. 25, гуруҳ 6, ваз.2</p>
4.6	Метлах плиткали тўшамалар	Қолдиқ қоришмали бутун плиталар, сопол синиқлари	<p>Бутун плиталарни тозалаш</p> <p>Қ.б. 22, гуруҳ 4, ваз. 1</p>	<p>Металл плиткалари</p>	<p>Бевосита вазифасига кўра, тўшамаларни таъмирлаш учун, шунингдек ёрдамчи омборхона ва бошқа биноларда ва иншоотларда тўшамалар яшаш учун</p> <p>Қ.б.22, гуруҳ 6, ваз. 1</p>

1	2	3	4	5	6
4.7	Ишлатиш муддатларига боғлиқ равишда ўрама материаллардан (линолеум ва ш.ў) тўшамалар қопламаси	1. Елим, бўёқ қолдиқли ўрама материалларнинг бўлаклари ва кесмалари 2. Ахлат	1. Қайишган ва эскирган қисмларини олиб ташлаш, тозалаш, ўлчамлар бўйича бичиш 2. Оид эмас	Тўшаманинг ўрама қопламаси бўлаклари	1.Ўшанинг ўзи
4.8	ПХВ тахтачалардан тўшама қопламалари	1.Бутун тахтачалар ва елим, бўёқ, чанг қолдиқли тахтача бўлаклари	1.Бутун тахтачаларни тозалаш	ПХВ тахтачалари	1.Ўшанинг ўзи 2. Қайтадан фойдаланиш
5. Деворлар					
5.1	Қўлда ёки синдиргич болғачалар ёрдамида қатламлаб бузиладиган ғишт деворлар, цемент-оҳак қоришмали устун ва ровоклар	Қоришма қолдиқли ғишт ва унинг бўлаклари, девор бўлаклари ва ғишт синиқлари	1. Ғишт ва унинг синиқларини қоришмадан механик тозалаш 2. Механик майдалаш, ювиш ва ғишт синиқларини фракциялар бўйича саралаш 3. Зарраларнинг максимал йириклиги 0,15 мм гача синиқларни толқонлаш	1. Ғишт ва унинг бўлаклари 2. Шағал ва турлича фракцияли қум 3.Цемент майдалари	1.Бевосита вазифасига кўра, турар-жой биноларни ва иншоотларни таъмирлашда, қайта қуришда, ташқи тўсиқларни таъмирлаш, қайта қуриш ва девор тиклашда 2. Паст тамғали бетонлар учун тўлдиргичлар, асфальт ва бетон қопламалар учун тайёргарлик 3.Цементга гидравлик фаол қўшимча, манзарадор қоплама
5.2	Ўшанинг ўзи майда бўлак тошлардан	Қоришма қолдиқларига эга бўлган бутун ва синиқ тош, тош синиқлари	1.Бутун тошларни механик тозалаш 2.Механик толқонлаш, ювиш ва фракциялар бўйича саралаш	1. Майда бўлаклар 2. Турлича фракцияли шағал ва қум	1. Бевосита вазифасига кўра 2.Бетонлар учун тўлдиргичлар, асфальт ва бетон қоплашга тайёрлаш

1	2	3	4	5	6
5.3	Айрим унсурларни эркин чиқариш орқали бўлакланувчи, деворлари бетон ва темирбетондан бўлган блоклар ва панеллар	Йиғув халқаларсиз ўрнатма қисмлари тузилган, дарзли ва қисқичли, темирбетон бўлма ва панеллар, бетон синиқлари	1. Сирларни тозалаш шикастларни тузатиш йиғув мосламаларини ва ўрнатма қисмларни тиклаш	1.Деворларнинг йиғма темирбетон бўлмалари ва панеллари 2. Йиғма темирбетон унсурлар 3. Бетон шағал ва турлича фракцияли қум 4.Металл чиқиндилар	1.Ёрдамчи, омборхона ва бошқа бир қаватли муваққат иншоотларни қуриш 2. Йўл қопламаларини қуриш 3. Бетон учун тўлдиргичлар. Асфальт ва бетон қопламага тайёрлаш 4. Қайта фойдаланиш
5.4	Ғиштли тошли ва бетон сиртларни қоплаш	Қоришма қолдиқларига эга бўлган сунъий (бетон, сопол ва б.) ва табиий материаллардан (гранит, мрамор, сопол ва б.) плиталар	1.Тозалаш, айрим участкаларни таъмирлаш ва тузатиш, сайқаллаш, силлиқлаш, ўлчамлар бўйича бичиш 2.Механик майдалаш, ювиш ва фракциялар бўйича саралаш	1. Қоплама плиталар 2. Шағал ва турлича фракцияли тошчалар	1.Бевосита вазифасига кўра, турар-жой уйларини қайта қуришда деворларни қоплаш, тўшамалар ва зиналарни ясашда 2.Бетон сиртларнинг манзарадор қопламаси, бетон учун тўлдиргичлар
5.5	Унсурлари эркин чиқариб олинган бўлакланувчи ёғоч деворлар	Михли ва бошқа маҳкалаш қисмлари, қо-ришма қолдиқли, эски бўёқ ва чангли девор тўсинлари	1. Михлар ва бошқа маҳкамлаш қисмларни чиқариб олиш, нуксонли участкаларни олиб ташлаш, ўлчамлар бўйича саралаш, тозалаш ва зарарсизлантириш 2.	1. Тўсин 2. Қ.б. 6, гуруҳ 5, ваз. 2	1. Бевосита вазифасига кўра 2. Қ.б. 6, гуруҳ 6, ваз. 2
5.6	Ёғоч деворларнинг ғишт билан қопланиши	Қолдиқ қоришмали ғишт ва унинг синиқлари, девор бўлаклари ва синган ғишт	1. Қ.б.3, гуруҳ 4, ваз. 1 2. Қ.б.31, гуруҳ 4, ваз. 2 3. Қ.б.31, гуруҳ 4, ваз. 3	1. ғишт ва унинг синиқлари 2.Шағал ва турли ча фракцияли қум 3.Цемент майдалари	1. Қ.б.31, гуруҳ 6, ваз. 1 2.Қ.б.31, гуруҳ 6, ваз. 2 3. Қ.б.31, гуруҳ 6, ваз. 3
5.7	Сувалмаган, тахта тикилмалари ёғоч деворлар	Михли ва эски бўёқ қолдиқли бутун ва синган тахталар	1. Қ.б.6, гуруҳ 4, ваз. 1 2. Қ.б.6, гуруҳ 4, ваз. 2	1.Тахталар 2.Технологик пайраха, қиринди, қипик	1. Бевосита вазифасига кўра 2. Қ.б. 6, гуруҳ 6, ваз.2 3. Қ.б. 6, гуруҳ 6, ваз.3

1	2	3	4	5	6
